



## COURAGE AND STRENGTH OF ANCESTORS IS THE BASIS OF OUR PROSPEROUS DAYS

**Qutbiddin Burkhanov**

researcher

*The center for improving the qualifications of lawyers under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, World War II, war veterans, Heroes of the Soviet Union, "Prometheus" expedition, Belarus, Estonia.

**Received:** 24.12.23

**Accepted:** 26.12.23

**Published:** 28.12.23

**Abstract:** Our current prosperous life is due to the bravery and fortitude shown by our ancestors in the Second World War. It is both a duty and a duty for us to pay tribute to the souls of our ancestors who died in the Second World War. Because, no doubt, no matter how many years and times pass, the value and importance of the victory achieved in this war will continue to increase. In this article, we talked about the courage shown by our ancestors.

## АЖДОДЛАР МАРДЛИГИ ВА МАТОНАТИ - ФАРОВОН КУНЛАРИМИЗ АСОСИ

**Қутбиддин Бурхонов**

таодқиқотчи

*Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириши маркази  
Ташкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Иккинчи жаҳон уруши, уруш фаҳрийлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, "Прометей" экспедицияси, Белорус, Эстония.

**Аннотация:** Ҳозирги фаровон ҳаётимиз аждодларимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати ва матонати туфайли юзага келди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳига хурмат бажо келтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir. Негаки, ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу урушда эришилган ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади. Мазкур мақолада биз аждодларимиз кўрсатган мардлик ҳақида сўз юритдик.

## МУЖЕСТВО И СИЛА ПРЕДКОВ – ОСНОВА НАШИХ БЛАГОДАРНЫХ ДНЕЙ

**Кутбиддин Бурханов**

*Исследователь*

*Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Средняя Азия, Вторая мировая война, ветераны войны, Герои Советского Союза, экспедиция «Прометей», Белоруссия, Эстония.

**Аннотация:** Наша нынешняя благополучная жизнь обусловлена храбростью и силой духа, проявленными нашими предками во Второй мировой войне. Для нас это одновременно долг и обязанность отдать дань уважения душам наших предков, погибших во Второй мировой войне. Потому что, вне всякого сомнения, сколько бы лет и времен ни прошло, ценность и значение победы, достигнутой в этой войне, будут возрастать. В этой статье мы рассказали о мужестве, проявленном нашими предками.

### КИРИШ

Бугунги ёруғ, мусаффо осмонимиз софлигини, ҳозирги тинч, осуда ҳаётимизни таъминлаш учун букилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатган, Ватан учун азиз жонини фидо қилган мард ва жасур ота-боболаримиз матонатини ҳеч қачон унутмаймиз!

Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган. Бу уруш инсоният, шу жумладан, халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талофатлар, бехисоб қурбонлар келтиргани тарих ҳақиқатидан яхши маълум.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидағи тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Хусусан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Жаҳон архивлари ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилинганда эса Ўзбекистондан 2 миллионга яқин киши урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Демак, ҳар уч ўзбекистонликдан биттаси кўлига қурол олиб, жанг қилган, 451 минг юртдошимизнинг номи ва тақдири шунча йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган.

Бундан ташқари, илгари 396 минг Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилган бўлса, аслида бу ракам 500 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич

120 минг, деб қайд этилар эди. Янги маълумотларга асосан Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар, деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони 301 нафар экани, 70 нафардан зиёд юртдошимиз учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани ўз тасдигини топгани, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишига олиб келди.

Ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳалқимиз “Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади. Ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, курол-яроғ, доридармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бирига айланди. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарида ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт худудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилган.

Кўчириб келтирилган ушбу заводларда кексалар, аёллар, ўсмирлар туну кун машаққатли меҳнат қилгани ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси, десак асло хато бўлмайди. Бундай мисоллар ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, ҳалқимиз дунёни фашизм балосидан ҳолос этишга қандай катта хисса қўшганини яққол намоён этади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблағлар ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

Бундан ташқари, 1941–1945 йилларда мамлакатимиз иттифоқ миқёсидаги улкан госпиталга айланиб, бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтган.

Ўша суронли йиллар ҳақида гапирганда, ҳалқимизнинг инсонпарварлиги, бағрикенглиги тўғрисида ҳар қанча фахрланиб, ғуурланиб сўз юритсакadolatдан бўлади.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт худудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион 500 минг кишини ўз яқинлариdek кутиб олди. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди. Юзлаб ўзбек оиласлари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Албатта, бу шунчаки статистик маълумотлар эмас. Бу рақамлар бошимиздан кечирган уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаёт қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиласди. Фахрийларимизнинг мардлик ва матонатлари, меҳнат жасоратлари бугунги авлодлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади.

Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “*Биз уруши ва фронти орти фаҳрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соглиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим*”, дея таъкидлаган эди.

Бу борада Президентимизнинг “*9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиши чора-тадбирлари тўғрисида*”ги қарори ҳам ҳар бир уруш қатнашчисига берилаетган эътиборни ҳар кун ҳар соатда ҳис қилишнинг узвий давомидир.

Аслида бу ҳаётнинг ўзи бир синов. Ҳамиша эл-юрт манфаатини ўйлаб, юрт равнақи ва ҳалқ осойишталиги учун умрларини бахшида этган инсонлар борки, ҳамиша эъзозга муносибидир.

Шу ўринда, тарихий адолатнинг қарор топиши ҳар биримизга, айниқса, бугун ҳаёт бўлган уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларига чуқур маънавий куч беради.

Уруш йилларида 158 мингдан ортиқ киши бедарак йўқолган. Бу бутун қабларни ларзага келтирувчи қайгули рақам. Боз устига, уларнинг ҳар бири ортида қолган яқинлари чеккан изтиробларини ҳис қилиш ҳам жуда оғриқли. Шу боис, бедарак йўқолганларни қидириш, уларнинг тақдирига аниқлик киритиш ишлари шу қунларгача ҳам тўхтагани йўқ.

Бу борада уруш фаҳрийси Миртурсун Мирсоатов ва Зарифа Эшмираевалар бошчилигига 1984 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб “Прометей” ватанпарварлик-қидирив экспедицияси ўз фаолиятини бошлаган. Экспедиция аъзолари Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Украина га бориб, ҳалок бўлган жангчилар қабрларини топишда иштирок этган.

Мазкур экспедиция фаолияти натижасида қатор марҳум ватандошларимиз мусулмон одатларига кўра қайта дафн қилинди. Ўзбекистон Хотира китобига бедарак йўқолган, деб ҳисобланган 7,5 минг жангчи номи киритилди.

Ҳозирда ҳам экспедиция Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ватандошларимиз номларини абадийлаштириш бўйича ўз фаолиятини “Олтин мерос” ҳалқаро ҳайрия жамғармаси негизида олиб бормоқда, бедарак йўқолган ватандошларимизга оид маълумотлар аниқланмоқда.

Хусусан, бир неча йил аввал Беларуснинг “Виккру” қидирив отряди иш олиб бораётганида ботқоқликда самолёт қолдиқлари учради. Унда 1943 йил 27 октябрдан бедарак йўқолган деб ҳисобланган ҳаво ўқчиси Ҳаким Ҳамдамович Музофаровнинг жасади ва хужжатлари ҳам топилгани.

Яна бир ҳолат, “Прометей” экспедицияси томонидан 2020 йил Эстония Республикасида олиб борилган ишлар жараёнида урушда ҳалок бўлган ўзбек аскарининг жасади ҳам борлиги аниқланди. Унинг ёнида топилган медальонда эса онасининг исм ва фамилияси, яшаш манзили қайд этилган экан. Бу маълумотлар асосида Наманган вилояти Уйчи туманида ва

архивларда олиб борилган қидирув жараёнида аскарнинг номи аниқланади. Бу 21 ёшида урушга сафарбар қилинган Охунжон Исомиддинов экани ва у оиласда ёлғиз ўғил фарзанд бўлгани маълум бўлди.

## ХУЛОСА

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Президентимизнинг “Ғалаба Боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида “Прометей” экспедициясининг иши алоҳида йўналиш сифатида қайд этилиб, қатор вазирлик ва идораларга унинг ишида ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди.

Муҳими, бедарак йўқолган аскар ва офицерларни қидириб топиш, уларнинг қариндошларига маълумот бериш, ватандошларимизни динимиз одатларига кўра дафн этиш уларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром, қолаверса инсоний бурчdir. Бундай мисолларни кўпларини келтириш мумкин.

Зоро, барчамиз бугунги тинч ва фаровон, озод ва эркин ҳаётимиз учун ана шундай табаррук инсонлар олдида доимо қарздормиз. Шу боис, бугун ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш, нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз сиёсатининг доимий эътибор марказида бўлиб қолаверади.